

## ЛИЗИНГ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ТУРЛАРИ ВА ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Алмардонов Тўра Шодмонович**  
*Сурхондарё вилоят судининг судьяси*

Лизинг — молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради.

Луғавий жиҳатдан бу сўз инглиз тилидан олинган бўлиб, “lease” – ижарага бериш ва олиш (фойдаланиш) маъносини билдиради.

Лизингнинг кўплаб шакллари бор, лекин барчасида ижарага олувчи (фойдаланувчи) ижарага берувчи (мулкдорга) вақти вақти билан тўловлар ўтказиб туришга ваъда беради.

Лизинг шартномасида ойлик ёки чораклик тўловлар ҳақида келишиб олинади ва уни тўлаш шартнома имзоланган вақтдан бошланади. Қоидага кўра, бу тўловлар бир хил миқдорда бўлади, лекин уларнинг тўлов вақтлари фойдаланувчининг эҳтиёжларига мосланиши мумкин. Айтайлик, ишлаб чиқарувчи янги мураккаб маҳсулот ясаш учун станокни ижарага олади. Ишлаб чиқариш маромига етиши учун эса ўртача бир йил вақт керак. Бу ҳолда ижаранинг биринчи йилида тўловлар миқдори камайтирилиши мумкин. Лизинг шартномаси тугалланганда ижарага олинган мулк ижарага берувчига қайтарилади. Аммо лизинг шартномаси фойдаланувчига усқунани сотиб олиш ёки қайта ижарага олиш имконини беради.

Баъзи лизинг турлари қисқа муддатли бўлиши ёки ижарага берувчи томонидан шартнома муддати давомида бекор қилиниши мумкин: бундай лизинг операцион лизинг деб аталади. Лизингнинг бошқа тури активлар эҳтимол иқтисодий ҳаётининг кўп қисмига тегишли бўлиб, бекор қилиниши мумкин эмас ва бекор қилинганда ижарага берувчига келтирилган зарарларни қоплашни кўзда тутаяди. Бундай лизинг капитал, молия ёки тўлиқ тўловли лизинг деб аталади.

Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатлари Фуқаролик кодекси ҳамда “Лизинг тўғрисида”ги Қонун ва улар асосида қабул қилинган қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 34-боби

6-параграфи лизинг муносабатларини тартибга солувчи нормалар ҳақидадир. Мазкур кодекснинг 587-моддасида лизинг шартномасига қуйидагича таъриф берилган: лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи

(ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.

Истеъмол қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ҳар қандай ашёлар лизинг объекти бўлиши мумкин, ер участкалари ва бошқа табиат объектлари бундан мустасно. Келажакда лизинг олувчига лизинг бўйича топшириш мақсадида мол-мулкни ўзига мулк қилиб олувчи шахс лизинг берувчи деб тан олинади.

Эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг объектини оладиган шахс лизинг олувчи деб ҳисобланади. Лизинг берувчи лизинг объектини кимдан олаётган бўлса, шу шахс сотувчи деб эътироф этилади.

Лизинг берувчи мол-мулкни бўлажак фойдаланувчидан сотиб олган тақдирда ёхуд лизинг берувчи келажакда мол-мулкни сотувчига лизинг бўйича топшириш учун ундан шу мол-мулкни сотиб олиш мақсадида уни маблағ билан таъминлаган тақдирда бир шахснинг ўзи ҳам лизинг олувчи, ҳам сотувчи бўлишига йўл қўйилади.

Юқоридаги таърифдан кўриниб турибдики, лизинг шартномаси қуйидаги ҳуқуқий белгиларга эга:

- лизинг уч тарафлама (сотувчи – лизинг берувчи – лизинг олувчи) ёки икки тарафлама (лизинг берувчи – лизинг олувчи) лизинг шартномаси бўйича амалга оширилади. Лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида икки тарафлама лизинг шартномаси тузилаётганида қўшимча равишда лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади.

- лизинг шартномаси консенсуал шартномалар гуруҳига мансуб.

- шартнома ҳақ бараварига тузилади. Лизинг олувчи лизинг берувчига лизинг объектидан фойдаланганлиги учун лизинг тўловларини тўлайди.

Лизингнинг оддий ижарадан асосий фарқи шундаки, унда ижарага берилган асбоб-ускуналар шартнома муддати тугагандан сўнг уларнинг қолдиқ қиймати йиғиндисида сотиб олиш кўзда тутилади.

Лизингни фарқлантирувчи хусусиятлардан яна бири шундаки, лизинг компанияларида лизинг операцияларини амалга ошириш учун ўз маблағлари етишмайди. Шу сабабли кўпинча лизинг операцияларида жалб қилинган маблағлар кенг қўлланилади.

Мамлакатимизда лизинг берувчилар ва лизинг олувчилар учун қулай бозор инфратузилмаси ва тегишли қонунчилик базаси яратилган. Амалга оширилган ишларнинг натижасида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти тузилмасида лизинг операциялари ҳажмининг йилдан-йилга ўсишига эришилди.

Лизинг шартномаси ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамиятга эга бўлган янги шартномалардан бўлиб, иқтисодий ҳаётга жадал кириб бормоқда, айниқса бу қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзини намоён этмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари сонининг доимий ўсиб бориши, хусусий мулк бўлган қизиқишнинг кучайиши ҳамда хорижий давлатлардан янги техник имконияларни жалб қилишнинг самарадорлиги юртимизда лизинг муносабатларини янада ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Хулоса қилиш мумкинки, имтиёзли шартлар асосидаги лизинг таклифларидан фойдаланиш мамлакатимиздаги тадбиркорларга ўз фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, лизинг шартномаларини қонунчиликка мувофиқ расмийлаштирилиши учун юридик хизмат ходимлари ушбу мақолада қайд этилган ўзига хосликлар ҳамда ҳуқуқий асосларни билиши ва тўғри қўллаши муҳимдир.